

Фанни бебахо физиологик назариялар билан бойитиб, ёшлигиданок ном козонган доктор Бъяншен Оврупа медиклари томонидан маърифат маркази деб хисобланган Париж медецина факультетида терапевт бўлиб ишлашдан анча бурун жаррохлик килган эди. У талабалик йилларида фан осмонининг ёркин юлдузларидан хисобланган буюк француз жаррохи Деппен рахбарлигида ишлаган эди. Хатто Деппеннинг ракиблари ҳам у ўз тажрибасини, бирор кимсага ўргатиш хоши йўклиги боис, кабрига олиб кетади, деб тан олган эдилар.

Бошка буюк дахоларда бўлгани каби ҳам ўз сохасида ворис колдирмади. Хамма нарсани ўзи кандай олиб келган бўлса, шундай бирга олиб кетади. Жаррохлик шухрати ҳам актёрлар шухратини эслатади: улар факат хаёт бўлган вақтларидагина яшайдилар, вафотларидан кейин эса уларнинг истеъдодларини бахолаш кийинлашиб колди. Актёрлар ва жаррохлар, шунингдек, юксак ижрочилик махорати билан музика куч-кудратини ёркин намоён кила оладиган буюк хонанда ва созандаларнинг хаммаси бир давр кахрамонлари дейиш мумкин. Деппеннинг шухрати ҳам барча дахолар фаолияти билан кўп жихатдан муштаракдир. Якиндагина шу даражада шухрат топган номи бугунга келиб тиббиёт оламидан бошка ёкда деякли унтилди. Лекин шундай бўлганда ҳам факулдда вазиятлар таказоси билан олимнинг номини фан сохасидан инсониятнинг умумий тарихига ўтиши нахотки талаб килинмаса?! Деппен ўз даврининг ифодачиси ёки уни ўз шахсига кўчирган кўпкиррали инсонмиди? У акл бовар килмайдиган даражада сезгир бўлиб, шахсий кузатувлари оркали орттирган тажрибаси ёки савки табиийси ёрдамида бемор рухий ахволини дарров пайкаб оларди, касалликнинг ўзига хос хусусиятларини аниклаб ташхис кўярди. Шу билан бирга, бемор кайфияти ва шарт-шароитини хисобга олиб, уни качон ва кайси холатда операция килиш бўйича хулоса чиқарар эди. Деппен табиат билан бакамти бўлиш учун хаво ва ердан бахра олиб турувчи одамнинг хужайраларини мутассил ўрганиб чиқишдан эринмадимикан? У Кювье дахосининг махсули хисобланган индукция ва анология усулларининг кудратли кучидан фойдаланмаганмикан? Нима бўлганда ҳам бу жаррох тиббиёт сиру асроридан тўлик хабардорлик даражасига эга бўлиб колди, у бу соханинг бугунги тажрибаларига асосланувчи замонавий кишиси сифатида унинг ўтмиши ва келажагига ҳам айланди. У ўз шахсияти Гиппократ, Гелен, Аристотель каби ўзида барча фанларни мужассамлаштирган киши эдимиди? Ёки бу сохада алохида мактаби оркали янги дунё йўлларини очдимиди? Йўк. Лекин адолат юзасидан шуни ҳам тан олиш керакки, инсон танасидек мураккаб хилкатнинг ўткир кузатувчиси бўлиб колган бу шахс сеҳргарлик

хакидаги қадимий илмлар уммониға говвоз каби шўнгиди, вужуднинг хали шаклланиб улгурмаган дастлабки даврлариданок уни пайкаб оладиган даражада сезгир бўлиб, хаётнинг хали юзага келишидан олдинги манбалари ва улар қандай бўлишлигини ҳам кўра олади, бу борада олиб борган текширишлари орқали тирикликни таъминлайдиган шарт-шароитларни аниқлади.

Лекин, афсуски, булар ҳаммаси Деппеннинг шахсий характери учун хос эди. Шу боис манфаатпарастлик хислати ёлғизланиб қолишига сабаб бўлди ва худди ўша одати вафотидан кейинги шухратини ҳам сўндиришга олиб келди. Охир-оқибат қабри устида дахонинг фидокорона изланишлари натижасида аниқланган тиббий сиру асрорни келгуси авлодларга эслатиб турадиган ёдгорлик бюсти ҳам ўрнатилмади. Балки таланти эътиқодига мослиги туфайли у ўлимга махкум бўлгандир. Деппен эътиқодига кўра, ер атмосфераси хаёт яралиши учун замин яратган. Мана шунинг учун ҳам ер тухум ва унинг уст қобуғи шаклида бўлгани таъкидлайди. Лекин у дастлаб тухум бўлганми ёки товук қабилдаги саволга жавоб беришга қодир бўлмаганлиги боис уларни тан олмасди. У ибтидоий хайвонот дунёсининг яратилиши ва инсон қалбининг ўлмаслигига ҳам ишонмагани сабабли иккиланмай уларни рад қиларди. Дахрийлар ва диндорлар орасида давом этиб келаётган азалий қурашга Деппер ҳам бефарқ бўлмай, аллақачон иккиланишни йиғиштирган эди. Деппенда бундан бошқа бир эътиқод бўлиши мумкин эмасди. У ёшлиқ давриданоқ бутун тирик мавжудотнинг гултожи ҳисобланган одамзоднинг умр кечирishi ва вафотидан сўнги ҳолати хакидаги хақиқатни билиб улгайди. Танада мия, асаб, қон айланиш ва нафас олиш марказлари борлиги аниқланган. Улардан дастлабки икки марказдан бирининг ўрнини иккинчиси ҳам бемалол бажариши мумкин. Деппен хаётининг сўнги вақтларида ҳатто кўриш ва эшитиш учун қулак ва кўзлар мутлақо зарур бўлмаслиги ва булар вазифаси қуёш нурлари тўқимаси таъсирида ҳам бажарилиши мумкинлиги ҳусусидаги ҳулосага келган эди. Шундай қилиб, Деппен одам ҳисмида марказлар мавжудлигини таъкидлаб, қоннинг абадийлигига ҳеч қандай асос топилмаганлигини тасдиқлади. Бу далил орқали у худо хакидаги диндорлар қарашларини таҳқирламаса ҳам ўз дахрийлик қарашларини маъқулланган эди. Айтишларига қараганда, бу машҳур жарроҳ бошқа марҳум даҳо инсонлар каби қалғимай дорилбақога рихлат қилган экан.

Деппен шухратига соя солиш мақсадида душманлари хаёт вақтида бу буюқ инсонни анча майдақаш одам деб игво қилганлар. Баҳил ва аҳмоқлар ҳеч қачон буюқ ақл эгалари фаолиятини ҳаракатга келтирувчи сабабларни тушунолмайдилар. Буюқларнинг майда-чуйда қамчиликларини кўришлари биланоқ дарҳол шуларга қараб айбнома ёпиштира бошлайдилар.

Деппен шухрати ва билимини таҳқирлаш имқонияти йўқлиги учун душманлари асосий диққатларини унинг характеридаги майда-чуйда нуқсонларга қаратадилар. Хар ҳолда

Деплен инглизлар айтмокчидек гайритабийрок эди. У гоҳ буюк фожиачи Кребиљонга ўхшаб кийинар, гоҳ костюмларига ўта локайд қарар, гоҳ аравачада юрса, гоҳ кизганчикдай пиёда юрар, гоҳ олижаноб кишидай бўлиб кўринарди. Тантанали вазиятда ҳам, мушкул вазиятда ҳам қандай бўлса, шундай, яъни бежаб-безалмаган кўринишда бўлганлиги учун одамлардан шубҳаланарди. Буюк инсонларнинг фазилати ҳам бир-бирига ўхшаб кетади. Агар уларнинг бирортасида ақлларига нисбатан истеъдоди зиёда бўлса, ҳар ҳолда оддийгина қилиб, “бу ақлли одам” дегандан зиёдарок ақлли ҳисобланиши мумкин. Даҳолик одамни ички томондан кўришни ҳам такозо этади. Кўриш, эҳтимол, айрим мутахассисларнинг билим доиралари билан чекланган бўлар, лекин кимки гулни кўрса, қуёшни ҳам кўради. Кунлардан бир кун ўзи даволаган дипломатнинг: “Императорнинг соғлиги қалай” деган саволига: “Сарой аъёни ўзига келди, одам ҳам ўзига келади”, деб жавоб қилди. Кимки, шундай мулоҳазаларни айтишга қодир экан, у нафақат жарроҳ ёки врач, балки катта ақл эгаси ҳамдир.

Биз Деплен ҳаётдан замондошлари томонидан қузатиб юрилган, хотирасини баъзи таъналардан қутқарувчи энг кизикарли бир жумбокни танладик (бу жумбок хикоямиз сўнггида ечилади).

Орас Бьяншен Депленнинг севимли шогирдларидан эди. Бу бўлгуси медик Деплен ишлаб турган Отель-Дье клиникасига амалиётчи-ассистент бўлиб келгунга қадар Лотин кварталининг “Вок уй” номли қариб бир ётоқхонасида муҳтожлик билан кун кечирди. Лекин ҳақиқий истеъдод эгалари барибир худди олмос сингари мустаҳкам ва чидамли бўлиб, ёниб турган олов ичида ҳам оташга бардош беради, аслини саклаб қола олади ва жўшқин эҳтирослари алангасида тобора тобланиб, эзгу орзу-умидлари йўлида ҳалол ва тинимсиз меҳнатга қўмилади, шу тариқа даҳолар қисматига ҳос қурашга қўниқиб боришади. Орас оро номузда оғиздагина эмас, амалда ҳам қатъиятли эди, вақти келганда, дўстлари учун биргина қийими бўлса ҳам аямайдиган, зарур қелиб қолса улар учун вақтидан ҳам, уйқусидан ҳам воз кечишга тайёр турадиган пок инсон эди. Бировга бирор нарса бериб, ўрнига қанча қайтариб берадиган деган ўй ҳаёлидан ўтмасди. Шунинг учун қўпчилик дўстлари қўли очиклигига тан беришар, айбини айтишга ботинолмасдилар. Бирок, Орас ҳақиқий кадр-қиммати майдақашлар билан алмаштирмасди. Унда бирон бир сохта олифтагарчилик, қуруқ ваъзхонлик кўринмас, одамларга ёқимли сўзлар билан маслаҳат беради, баъзан улар билан жиндақ шақаргуфторлик ҳам қилар эди.

У ҳаётда ҳеч қимдан ҳеч нарсани яширмас, турли расмиятчиликлардан мустасно аскарлар қаби қувноқ ва дилқаш шишадош улфат, эҳтиромга сазовор ёш йигит қаби бошини дадил қўтариб, жилмайиб юрарди. Гапнинг пўст қалласини айтганда, у қўплаб Орестларнинг Пиладаси¹ эди. Ахир бугунги қунимиздаги қредиторлар (қойда олувчи судхўрлар) қадимги дунёнинг ҳақиқий Фурийлари

2 тимсоли-қу.

Балки Ораснинг ўз бошига тушган шунча шўру гавголари бардош билан енгиб ўтишининг ўзи ҳам мардлигидан нишонадир. Ўзида ҳеч нарса бўлмаса ҳам у бировдан ҳеч нарса кутмасди, ҳеч қачон қарз ҳам олмасди, туядай сабр-бардоши, оху сингари чакконлиги, шу билан бирга, мустаҳкам эътиқоди ва жиддийлиги билан алоҳида ажралиб турарди. Машҳур жарроҳ доктор Орас Бьяншеннинг барча ютук ва фазилатлари, камчиликлари ошқор бўлгач, кадр-киммати икки баробар ошиб, бахтли кунлар бошланади. Клиниканинг бош врачлари ўз хомийлигига олдими, демак, ёш йигит мавқеи ҳам таъминланади ҳисоб. Деппен кўплаб давлатманд хонадонларга бориш чоғи одатда ўзи билан бирга ёрдамчи сифатида Бьяншенни ҳам олиб кетади. Мазкур ташрифотлар давомида бу кишлоқ йигити кўз ўнгида бетакрор Париж ҳаётининг сирлари очилар онда-сонда унга ҳам совгалар тушиб турар эди. Деппен касал миждозларни уйда қабул қилган вақтларида Бьяншенни кўмакка қорларди, баъзан қайсидир давлатманд касални маъдан сувларига олиб боришни топширардилар. Бир сўз билан айтганда, у Бьяншенни беморлар билан ишлашга тайёрлар эди. Бир оз вақт ўтиб, бу қаттиққўл жарроҳнинг ўз Саиди1 пайдо бўлди. Бу икки инсон, бири билим ва

иззат-икром чўккисига чиқиб, қатта бойлик ва обрўга эга бўлса, иккинчиси бой ҳам, машҳур ҳам эмасди, Париж осмонида зўрга милтиллаб турарди. Буюк Деппен ўз ёрдамчисидан ҳеч нарсани яширмасди. Бьяншенга устози Деппен хонасида жойлашган столига аллақандай аёл ўтирганлиги ё ўтирмаганлиги ҳам маълум эди. Бьяншен ўзида арислон ва жохати ва буқа қудратини жамлаган бу буюк зот феълунини атворини ҳам, юрагини ҳам ўлими сабабини ҳам яхши билар эди. (Деппен юрак қенгайиши оқибатида вафот қилган эди). Шогирд сифатида устози ҳаётининг бутун иқир-чиқирларини, қалбидаги ягона ҳиссиёт ва унинг оқибатида қелиб қикадиган умидсизлик сабабларини олдиндан кўра олади. Ҳар ҳолда Деппен кўкрагида уриб турган юраги бронзадай бақувват бўлса-да, юрак эди, ахир.

Кунлардан бир кун Бьяншен Деппенга Сен-Жак мавзесида истикомат қилувчи овериянлик қамбағал мешқобчи оғир меҳнат ва муҳтожликдан қаттиқ касал бўлиб қолганлигини айтади. Бу бечора 1821 йилнинг қишида қартошка еб қун ўтказган экан. Деппен дарҳол ҳамма беморларни қолдириб, Бьяншен билан отни қамчилади-ю, мешқобчи олдига югурди ва уни Дюбуа томонидан очилган қасалхонага жойлаштиради, у тузалгач, от билан бўчка сотиб олиши учун пул ҳам берди. Кейинчалик бу овериянлик дўстларидан бири бетобланиб қолганда, уни дарҳол қалинеъмат Даппеннинг олдига олиб қелиб ёрдам сўради. Деппен қанчалик қаттиққўл бўлмасин, қўлини маҳкам қисиб:

– Яна оғаларингдан қимқи оғриси, ҳузуримга қелтир, – деди.

У беморни Отель-Дье клиникасида қабул қилиб, катта гамхўрлик кўрсатади. Бьяншен унга нисбатан меҳрини кўриб, Отель-Дье клиникасида ишлашнинг ўзиёқ буюк бир ифтихор эканлигини туйди, устози хатти-харакатида бирорта гайритабийликни сезмайди.

Бир кун эрталаб Бьяншен соат тўққизларда Сульпиция майдонидан ўтаётиб, устозини шу майдонда жойлашган ибодатхонага кирганини кўриб қолади. Хар доим икки гилдиракли аравачасида юрадиган Деппен бу сафар яёв бўлиб, хиёл шубхали киёфада будхонанинг Пти-Лион кўчаси томонидаги эшигидан секингина кириб кетади. Ёрдамчи устози эътиқодсизлигини, бунинг устига Кабанис2 бўлганлигини билганлиги боис, табиийки, бу холатга кизиқиб қолди. У сездирмай кириб, будхонада бир талай ажойиб расмларни кўрди, хуру фаришталар устидан аёвсиз қулиб юрган буюк дахрий Деппен тик турганча Биби Марям қошида ибодат қилар, муҳим бир вазифани бажарётгандек жиддий киёфада бутхона ва камбағалларга хайр-эхсон беради. Тагин бирор одам кириб қолса, Отель-Дье клиникаси бош жаррохининг орқасидан кузатишмоқда, деган хаёлга бормаслиги учун Бьяншен бутхонадан аста чиқиб кетди.

Тасодифан ўша куни Деппен уни ресторанда бирга тушлик қилишга таклиф қилиб қолди. Бьяншен овқат пайтидаги суҳбатда гапни усталик билан ибодат масаласига буриб, бу харакатини риёкорона бир майнавозчиликка ўхшатди.

Бу майнавозчилик оқибатида христиан оламида Наполеоннинг барча кўшинлари-ю, Брусснинг бутун аскарлари томонидан тўқилган қонларга қараганда ҳам кўпроқ қонлар оқизилди, –деди Деппен. Рим папасининг олтинчи аср бошларида ўйлаб топган бу қашфиёти замирида биргина “сиёсат теломос” деган сўз ётади. Папа худонинг мавжудлиги ҳақидаги ваъз-насихатларига ишонмаган дахрийларга қарши олиб борган қурашлар давомида ибодатхоналарда уч юз йиллаб хурофот, зулмат ҳукм сурди. Унинг бу қашфиётлари Тулис графи ва альбийцларнинг уришига сабаб бўлди (чунки, вольдентлар билан альбигойцлар папанинг уйдирмаларини тан олишни истамаган эдилар).

Деппен вольтерона дахрийлик билимдонлигини тўқиб сола бошлади.

– Бу қандай мўъжиза бўлди экан? – деб ўйлади Бьяншен. – Мен эрталаб кўрган ҳудожўй одам қаякка йўқолди?

У Деппенга индамади, бироқ уни хакикатдан ҳам Сульпиция ибодатхонасида кўрганлиги ростми? Даппен Бьяншенга ёлгон гапиролмасди, улар бир-бирларини яхши билишар ва бундан бошқа кўплаб муҳим масалалар бўйича ҳам ўзаро рўй-рост фикр алмашардилар.

Орадан уч ой вақт ўтди. Бьяншен унутмаган бўлса ҳам ўша воқеани қайта эсламади. Лекин бир кун Отель-Дье клиникаси врачларидан бири Бьяншен олдида Деппенинг кўлини ушлаб, савол аломати билан:

– Мухтарам устоз, муқаддас Сульпиция ибодатхонасига нега борган эдингиз? – деб қолди.

– Мен ибодатхона рухонийсининг олдига борган эдим, унинг касалланган тизза қопқаси шамоллаб, йиринг босиб кетган экан.

Ангелогерцог хотини менга эхтиром ила мурожаат қилиб, уни ўз клиникангизда даволасангиз, деб илтимос қилган эди, – дея жавоб берди Деппен.

Врач Деппендан олган изоҳларидан қаноат ҳосил қилди, аммо Бьяншен бунга ишонмади.

– Ана ҳолос! У ибодатхонага тиззаси касал одамни даволаш учун борди. Яъни ибодатда бўлди! – деди ўз-ўзига шогирд.

Шундан кейин Бьяншен Деппенинг Сульпиция ибодатхонасига қайси кун ва қайси соатда борганлигини эслади. Бир йилдан сўнг худди шу фурсатда у ибодатхонага яна келадими йўқми – шуни аниқламоқни мўлжаллади. Агар Деппен хакикатан ҳам вақти-вақти билан ибодатхонага келиб турса, бу ходиса илмий тадқиқот учун асос бўлади, негаки, бир одам хатти-харакати билан фикрлари ўртасида қарама-қаршилик яшаши мумкин эмас. Кейинги йил худди шу кун ва шу соатда Бьяншен (у энди Деппенинг ёрдамчиси эмасди) Пти-Лион ва Турно кўчалари бошида икки гилдиракли соябон

аравасидан секин тушиб, деворлар бўйлаб ибодатхонага кирган ва яна Худолар онаси бўлмиш Биби Марям олдида тик туриб ибодат кила бошлаган жаррохни кўрди. Бу худди ўша бош врач, дилда дахрий, баъзи холларда художўй Деппеннинг ўзи эди. Ахвол жиддий тус олди. Машхур олим кайсарлиги хамма ўйинни чалкаштириб ташлади. Деппен чикиб кетгач, Бьяншен бутхона ичидаги ашкол-дашколлар турадиган ризохона мудирини олдига бориб, хозиргина бутхонадан чикиб кетган жаноб бу ерга доим келиб турувчиларданми? – деб сўради.

– Мана, бу ерда ишлаётганимга йигирма йил бўлган бўлса, жаноб Деппен бу ерга хар йил тўрт мартаба келади, ибодатга буюртма келади, ибодатхоначи буюртмаларини адо этади, – деди мудир.

Деппен буюртмасидаги ибодат. Бу ўзини дахрий килиб кўрсатиш учун ўйлаб топган ўзига хос бир махфий усули бўлса керак, – деб ўйлади Бьяншен кетатуриб.

Вакт ўтиб борарди. Гарчи доктор Бьяншен Деппен билан дўст бўлса хам у ўзига хос хислати хакида сўрашга кулай фурсат топа олмас эди. Одатда улар бир-бирлари билан врачлар хонасида ёки юкори давраларда учрашардилар, бундай вақтларда якин дўстлар, ўриндикларда энгашиб ўтириб, оёқларини каминга тираб, яккама – якка сирлашишлари учун имкон бўлмас эди. Охири, 1830 йил инкилоби даврида, республикачилар ташвикоти билан кўчаларни эгаллаб олган дахрийлар ва исёнчилар томонидан ибодатхоналар бошкармаси жойлашган кароргох бузилиб, уйлар тепасида ялтираб кўринадиган кўз илгамас тилларанг бутлар йўқотиб юборилгандан кейин орадан етти йил ўтгач, Бьяншен Сульпиция ибодатхонасига яна кириб бораётган Деппенни кўрди. Изма-из келиб, у билан ёнма-ён турди. Дўсти эса заррача парво килмади, эътибор хам бермади. Деппен буюрган ибодат олдида биргалашиб тик колдилар.

Ибодатхонадан чикишгач, Бьяншен: – Мен сизни бу ерда уч маррта учратдим, дўстим. Такводорлигингизни сабабини айтоласизми? – деб сўради. – Сиз эътикодингиз билан хатти-харакатларингиз ўртасидаги бу карама-каршилиқлар сабабини очик тушунтириб берсангиз. Сиз дахрий бўла туриб ибодатга борасиз. Хурматли устоз, илтимос бу холатингизни изохлаб берсангиз.

– Аслида ташки кўринишимиз туфайли ўта такводор бўлиб кўринганимиз билан сиз хам, мен хам дахрийларга ўхшаймиз, – Деппен шу ерда айрим таникли сиёсий арбобларни масхаралаб, уларнинг баъзи хатти-харакатларини Мольернинг Тартюфига ўхшатиб,

Ўткир пичинг билан тилга олиб ўтди.

– Мен сиздан буни сўраётганим йўк, – деди Бьяншен. – Сизнинг ибодатхонага келишингиз сабабини ва нима учун ибодат буюргангизни билмокчиман.

– Хўп, азиз дўстим. Хозир менинг тўримдан гўрим якин бўлиб турибди. Энди мен сизга хаётимни кандай бошлаганимни айтиб беришим мумкин, – деди Деппен.

Бьяншен бу буюк инсон билан бирга Парижнинг энг ярқисиз, чиркин “Тўрт шамолли” кўчасида турарди. Деппен Бьяншенга шу ердаги бир бинонинг еттинчи каватида ёдгорликка ўхшаб колган бир уйчани кўрсатди. Уйча яшилрок рангда эди. Унга бориш учун бинонинг кўча эшигидан кириб, лента-пенталар билан ўраб-чирмаб ташланган зинапоялар орқали юқорига караб кўтарила борилар ва охирида яна чўзилган йўлакдан юрилар эди. Бу йўлак кичкина деразалар дарчасидан тушиб турадиган хира ёругда ўта диккинафас бўлиб, бу ердан ўтувчилар кокилиб-сукилиб кетишарди. Бинонинг биринчи каватида мебеллар билан савдо килувчи киши яшарди, бошка каватларда эса эҳтиёж учун зарур бўлган хар хил ашкол-дашколлар тикилиб кетган эди. Деппен бирдан кўлини кўтариб:

– Мен шу бинонинг ана ўша ерида икки йил яшаганман, – деди уйчани кўрсатиб.

– Биламан, у ерда Артез ҳам яшаган эди. Ёшлигимда доимо бориб турардим, биз бу уйчани “Ўжар дахолар яшайдиган катак” деб атардик. Кейин нима бўлди?

– Сиз гувоҳ бўлган ўша ибодат хаётимда бўлиб ўтган баъзи бир воқеалар билан боғлиқдир. Ўша уйчада яшаган вақтимда хозир сиз айтган Артез ҳам яшарди. Ана каранг, уйчада гул ўстирилган тувакча, унинг тепасида кийим-кечаклар ҳам осилиб турибди. Азизим Бьяншен! Мен Париждаги хаётимни худди шундай кийин бир шароитда бошлаган эдим. Бу жихатдан мени Парижда хаддан ташқари кўп азоб-укубат ва кийинчиликларни бошдан кечирган киши дейиш мумкин. Хамма нарсени – очликни ҳам, ялангочликни ҳам, камбагалликни ҳам – хуллас, хамма-хаммасини кўрдим. Ўша “Кайсар дахолар кулбаси” дея ном олган уйчада кахратон киш кунлари совукдан котиб колган бармокларимни пуфлаб илитардим. Кишнинг кахратон кунларида огзимдан чиккан ховур худди отларнинг бурнидан бурксиб чикадиган бугдай бошим узра кўтарилаётганини ҳам очик

кўрардим. Бундай пайтларда, кимдан мадад олишингни ҳам билмайсан киши. Мен ёлғиз эдим. Хеч қандай ёрдам берадиган кишим бўлмаган. Китоб олишга ҳам, ўқувимга тўлаш учун ҳам пулим йўқ эди. Феъл-атворимдаги безовталиқ, асабийлик ва хадиксирашим туфайли бирорта дўст ҳам орттирмаганман. Бесаранжомлигим асосий сабаби йўқчилик ва ўқиш шароитим огирлигидан эканлигини хеч ким тушунмасди. Ахир ҳаётнинг энг тубан ерида яшаб келардим, ундан чиқиб кетишни истардим. Айникса, сизнинг олдингизда сиру асроримни яшириб юришга ҳожат бўлмаса керак. Гарчи узок йиллар кашшоклик боткогида юрган бўлсам ҳам, турли кийинчиликка учраган бўлсам ҳам калбимда доим барини енгиб, юксакликка интилиш ва инсоний орзу-истаклар туйғуси ҳукм сурарди. Мен оладиган арзимас ёрдам пулидан ташқари ота-онамдан ҳам, шахримдан ҳам бошка бирор нарса кутишнинг иложи йўқ эди. Ўша вақтларда нонушта учун Пти-Лион кўчасидаги магазиндан котган нон сотиб олиб (у янги нонлардан арзон турар эди), уни сутга бўктириб еб юрганлигимни айтишнинг ўзи сизни каноатлантурса керак. Ресторанда икки кунда бир тушлик килардим, у 16 суга (майда пул хисоби) тушарди. Шундай қилиб кундалиқ овқатимга 10 су сарфлардим. Шу ахволда қандай қилиб кийим-бошимга эътибор беришим мумкин эди? Шунчалиқ огир кийинчилик ва ранжу аламларни кечирганим устига яна баъзи бир хамкасаба дўстлар ботинкаларимнинг йиртиги, қўлтиги ости ажралиб кетган суюртикимга кўзлари тушганда риёкорона масхаралашлари-чи? Мен фақат сув ичардим ва Париж емакхоналарига хавас килар эдим. Муколом Лотин мавзеидаги Цоппи емакхонаси мен учун гўё барча одамлар кира олиши мумкин бўлган ибодатхонага ўхшарди. Бир кун келиб, мен ҳам шу емакхонада бир пиёла каймокли кахва ичиб, бир жуфт домино ўйнаб кета олармикинман, деб ўйлардим. Мендаги мухтожлик оқибатида келиб чиққан фидойилик шиддати ишлаган вақтларимда ҳам давом этди. Шунинг учун кейинчалик ҳам ўзим эгалламокчи бўлган вазифага муносиб бўлиш ва кадр-киммат топиш учун иложи борица яхши, пухта билим олишга тиришдим. Пулни бир бурда нондан ҳам кўра кўпроқ чирок ёгига ишлатардим. Тун бўйи ишлаганим учун кечаси билан ёритиб турадиган чирок ёглари харажатлари овқатларимга кетадиган чикимлардан кимматга тушарди. Бу узок ва халоватсиз, ўзинг билан яккама-якка шафқатсиз жанг қилиш эди. Бирор киши менга ачиниб карамасди. Ахир, дўстларинг бўлиши учун пулдор бўлишинг, ёш тенгурлар билан танишиб, улар билан улфатчилик қилишинг, улар каерга борсалар сен ҳам ўша ерга боришинг керак бўларди. Менда эса буларнинг хеч бири йўқ эди. Парижда эса бундай йўқчиликка парво ҳам қилишмасди. Бировларга қандай мухтожликда ўқиганларимни гапираётганимда беморлар касали хақида сўзлагандек, томогимга бир нарса тикилиб, асабий бир огир ахволга тушиб қолавераман. Кейинчалик хеч қачон хеч қандай мухтожлик кўрмаган баъзи бир давлатмандлар билан учрашишга тўғри келган вақтларда ўша галварслар менга қараб: “Нега қарзга кирдингиз? Нега ўзингизни шунча мажбуриятли қарзга ботирдингиз?”— дея ахмоқона саволлар беришади. Шунда улар кўз олдимда гўё одамлар очдан ўлаётганини кўриб: “Нега улар юмшок нон сотиб олмаяптилар”, – деган маликага ўхшаб кетардилар.

Операция учун хаддан ташқари кўп пул олаётганимни гапираётган ўшандай давлатмандлардан бирортасини сўққабош, икки қўлидан бошка хеч нарчаси йўқ, якка-ёлғиз, пулсиз, дўстсиз, Париж кўчаларида бурда нонга зор бўлиб юганда бир кўрсам эди. Шундай вақтларда нима қила олган бўлардилар? Қаёқдан овқат излаб

топардилар? Сиз Бьяншен, асабийлашиб, ишда каттиккўлик килган вақтларимни кўргансиз. Ёшлигимда юкори табакадагилар орасида хар кадамда худбинлик, беписандлик муносабатларини кўравериб, кўп азоб-укубатлар чекканлигим учун аламзада бўлиб колгандим. Шон-шарафга эришгунимча улар менга канчалик кўп тухмат, игво ва ичикораликлар килишганини эсламан. Баъзи бировлар Парижда якин орада мансабга минишингизни сезишлари биланок сизни ерга агдариб ташлашга харакат киладилар, йикилиб бошингизни ёриб олишингиз учун минган отингиз айилини бўшатиб кўядилар, учинчилари эса отингиз оёгидаги такаларни синдириб, майдалаб ташлайди, тўртинчиси камчинингизни ўгирлайди, энг халол хисобланганлари эса кўлидаги тўппончаларини кўкрагингизга тираб, сизни отмокчи бўладилар. Болаларим! Сизларда истеъдод бор. Сизлар якин келажакда ўзларидан ўтиб кетаётган кобилиятли инсоларни кўрган ўртамиёна одамлар бир-бири билан кандай шафкатсиз ва тинимсиз кураш олиб боришларига гувоҳи бўласизлар. Агар кечкурун йигирма беш тийинлик кимор ўйнаган бўлсангиз, эртасигаёк сизни киморбоз деб айблаб бошлайдилар ва энг якин дўстларингиз сизни йигирма беш минг франк пул ютказибди, деб гап таркатади. Бошингиз огриб колса, аклдан озаяпти дейишади. Огзингиздан тасодифан бирор ножўя сўз чикиб кетишини эшитишлари биланок, мана энди, сизни хеч бир киши билан чикиша олмайдиган одамлар каторига кўшиб кўядилар. Агар сиз бундай майдакаш одамлар тўдаси билан кураш олиб боришда катъийлик ва жиддийлик кўрсатсангиз якин дўстларингиз хам сизни ўзидан бошка бировни ёктирмайди, ўзгаларга хўжайинчилик килиб, хукмрон бўлиб олмокчи, деб игво килишади. Хуллас, улар фазилатларингизни нуксонга, иллатга йўядиларки, энг яхши эзгу ниятларингиз хам жинояткорона бир иш бўлиб кўринади. Бирор одам касалини тузатсангиз, уни ўлдириб кўйди дейишади. Бемор анча яхшиланиб, тетик холига келган бўлса, барбир хадемай ўлади, окибати ёмон бўлиб, бунинг учун у жавоб беради дейишади. Агар кокилсангиз, агдарилиб тушди, деган маломатга коласиз. Хуллас, азиз дўстим! Буларнинг хаммасини кўравериб, худодан кўра одамларга ишонмайдиган бўлиб колдим. Сиз ахир ичимда одамлар ноўрин айблаётган Деппендан ташкари яна бунга томомила карама-карши бўлган бошка бир Деппен хам мавжудлигини яхши биласиз-ку. Майли, биз бу ифлос ишларни ковлаб ўтирмай кўя колайлик.

Шундай килиб, шу уйда яшардим. Бир пулсиз ахволда имтихонга тайёрланиб ўтирардим. Биласизми бундай вақтларда ниҳоятда кийналиб кетганимдан аскарликка кетганим яхши эмасми, деган карорга хам келиб колардим. Менда ахир биргина умид колганди: у хам бўлса тугилган шахримдан, Париж хаётидан мутлако беҳабар жияним ўттиз франкка мазза килиб парранда гўшти еб, ўкиб юрибди деган кишлоки холам жўнатган кийим-кечаклар солинган чемоданни келишини кутаётган эдим. Университетдалик вақтимда чемоданни олиб келишгану хаккига кирк франк тўланиши керак бўлгани учун бу пулни эшик коровули, бино пастидаги зинапоялар бурчагидаги бир тор хоначада ишлаб ўтирадиган этикдўз немис тўлаб, чемоданни олиб колган. Кандай килиб, шу кирк франкни топиб, чемоданни кайтариб олсам экан деб Фосье-Сен Жермен де При кўчаси ва медицина факультети биноси атрофида бошим котиб айланиб юрдим. (Ахир, карзни кийим-кечакларни сотиб бўлса хам тўлаш мумкин эди-ку). Шунда ишбилармонликда укувсизлигимни, ёлгиз кисматим жаррохликда эканини сездим. Дўстим, соф калб

эгалари бўлган истеъдодли инсонлар юкори доирадаги кишилар орасида ишлаганларида кундалик хаётда дуч келадиган баъзи бир майдакаш одамларга хос устомон, учар бўлиб яшай олмас эканлар. Бундай дахлар учун энг мухими яшаш учун кулай фурсатнинг келиши экан. Фурсат келганда улар кидирилиб ўтирмай, ўзлари тўсатдан пайдо бўлиб колар экан!

Уйга кечкурун жуда кеч кайтдим. Сен-фруалик Буржуа исмли мешкобчи кўшним хам менга ўхшаб кеч кайтган экан. Биз ёнма-ён хоналарда яшаб, бир-биримизга жуда якин бўлиб кетган эдик. У менга уйнинг хўжайини ижара хакини уч марта тўламаганим учун уйдан чиқариб юбормокчи бўлаётганини айтди. Эртасига бу ердан кетиш ташвиши остида колдим. Шу тунни хаётимдаги энг огир азоб-укубат билан ўтказдим. Худди аклдан озган кишилар мияларига келган бир саволни хадеб такрорлайверганига ўхшаб, мен хам кўз ёшларимни окизиб, шу арзимас ашкол-дашколларни, китобларимни ташиб чиқариш учун хаммолни каердан топаман, эшик коровули ва хаммолга тўлайдиган пулни каердан оламан, деган саволлардан кутулолмадим. Борар жойим йўклигини ўйлаб, охири ухлаб колибман. Мухтожнинг хам шериги бўларкан шекилли, бир самовий ширин туш кўрибман. Унда эрталаб котган нонни сутга бўктириб, нонушта килаётганимда Буржуа ёнимга келди.

– Жаноб талаба, – деди у менга караб соф аверянча талаффузда йўгон овоз билан – мен кўчада колган бир етимча, ота-онамни хам билмайман. Сен-Флурусско етимхонасида ўсдим, топган-тутганларим билан уйланиб хам бўлмайди. Сизнинг хам кариндош-уругларики камга ўхшайди. Мени сизга айтмокчи бўлганим, бинонинг пастида соатига икки су бериб, ижарага олган кўл аравам ётибди. Бизнинг бор лаш-лушларимиз унга сигиши мумкин. Мудомики, хўжайин

бизни уйдан чиқариб юборар экан, хохласангиз биргалашиб ўзимизга бир бошпана изласак, ахир бу ер хам кишда жаннат эмас-ку!

– Тушунаман, дўстим Буржуа. Гап унда змас. Бу ерда муаммо шундаки, пастда менинг ўн люк пулим ва кийим-кечакларим солинган чамадоним ётибди. Ўша пулимни олсам, коровул хакини хам, уй хакини хам тўлардим. Лекин хозир уларни олиш учун ёнимда беш франк хам йўк, – дедим ахволимни тушунтириб.

– Майли, хафа бўлманг, кийим-кечакларингиз ўзингизга колаверсин. Менда тўлашга беш-тўрт танга топилиб колар, – деди у менга эскирган чарм хамёнчасини кулимсираб кўрсатиб.

Буржуа уй ижараси хакини хам, эшик коровулига кирк франк карзимни хам тўлади. Шундан кейин ашкол-дашколларимиз ва кийим-кечакларим солинган чемоданни ортиб, каерда ижарабоп уй бор экан, деб аравагани кўчама-кўча судраб юрдик, мен баъзи бўш уйларни текшириб чикдим, лекин хаки биз учун тўгри келмади. Кун яримлаб колган бўлса хам, Лотин квартали атрофида зўр бериб, хамон бошпана излаб, овора бўлиб юрардик. Буржуа менга вино дўкончаси олдида бир тамадди килиб олсак, деди. Аравагани эшик олдида колдириб, тамадди килдик. Кечга якин Роган кўчасининг Коммерческий проездидида жойлашган бир бинонинг энг тепасида бир-бирларини зинаполяр ажратиб турадиган болахонаси бор икки хоналик уй топиб, жойлашдик. Энди мен хам, камтарона дўстим хам бошпанага эга бўлдик, лекин уй ижараси учун бир йилига олтмиш франк тўлаш хаки биродаримнинг бўйнига тушди. Биргалашиб овкатланардик. Буржуа кунига эллик су пул ишларди. Унинг юзтача экюси бор эди. У шу пулга якинда кўпдан ўзи орзу килиб юрган ниятини амалга ошириб, от билан бўчка сотиб олмокчи эди. Бирок менинг кандай хаёт кечирганлигим ва хозирги ахволимни фахм-фаросат ва зийраклик билан тушуниб олгач, ўша кундан буён орзу килиб юрган от билан бўчка сотиб олиш ниятидан воз кечганлигини ўйласам кўнглим бузилиб, кўзимга ёш келади. Буржуа йигирма йил мешкобчилик килиб, сув ташиди ва ўша юз экю пулини хам менинг келажагим учун сарфлади.

Шу ерга келганда Деппен Бьяншен кўлини каттик кисиб кўйди.

– У менга ўша пулларни имтихонларга тайёрланишим учун зарурлигини билганлигидан кейин берган эди! Дўстим, бу инсон менинг хаётда оладиган ўрнимни, менинг аклий эхтиёжларим ўз эхтиёжларига караганда мухимрок эканлигини тушунган эди. У менга гамхўрлик килар ва мени ўглим деб атарди. Китоб сотиб олишим учун пул берарди, баъзи вақтларда аста келиб кандай ишлаб ўтирганимни кузатарди. Бора-бора менга отамдай карай бошлади, илож тополмаганимдан еб ўтирган ночор лукмаларимни кўриб, тўйимли ва сифатли овкатланишимга хам имконият ярата бошлади. Унинг юзи ўрта асрдаги шахар кишилари киёфасига ўхшаб кетар, лаблари калин эди, расом бўлса, уни худди Ликурганинг расмига ўхшатиб чизса бўлар эди. Бечора гўё калбида тўлиб-тошиб ётган мехру шафкатларини кимга инъом этишни билмагандай юрарди. Хаётидаги биргина овунчоги бўлиб колган нарса кучукчаси эди. Буржуа ўзи ўлмасдан бурунрок кучукчаси ўлиб колса, ибодатхоналарда унинг рухига тиловат килишга рухсат беришармикин? – деб тинимсиз сўраб юрди. Айтишига караганда, кучуги Буржуа билан ўн икки йил давомида ўзи билан доимо бирга бориб ибодатхонада ибодат килган. Попнинг ваъзларини диккат билан тинглаган, сира овоз чикармай, бир марта хам хурмагани учун хакикий христиан бўлган экан. Бу инсон ёлгиз гариблигимни хам, кечирган азоб-укубатларимни хам кўриб юриб мени тушуна бошлади, бутун калб кўрини менга багишлади. Бора-бора мехрибон бир ота, ягона гамхўр валинеъматимга айлана борди.

Хуллас, у ёрдамга мухтож бўлиб колганлар учун хар доим мурувват кўрсатиш йўлини топа оладиган олийжаноб бир инсон эди. Мен билан учрашган вақтларида чинакам сахий кишилардай викор билан бокар ва гам-ташвишини сездирмай эркин юрарди. Соглигимни, яхши кийинишимни кўрганда фахрланар, хурсандчиликдан боши кўкка етарди. Буржуа кечалари мени айтган вақтимда уйготар, чирогларимни артиб-суртар, зинапояларни тозалаб чикарди, у менинг хам отахоним, хам хизматкорим эди, у тозалик борасида баъзан хизматчи оксоч англиз аёллари билан хам бахсга киришарди. Уйда бутун хўжалик ва рўзгор ишларимиз бўйнида эди. Ўтинларни худди Филопендай¹ ёрарди. Хамма юмушларни ўзига муносиб равишда

хотиржамлик билан фахрланиб киларди. Отель-Дье клиникасига амалиётчи-ёрдамчи бўлиб ўтганимда клиника олдида яшашим зарур бўлиб, Буржуадан бошка туришимга тўгри келди. Шунда у маъюс бўлиб колди. Лекин кейинчалик диссертациям сарф-харажатлари учун пул йигиб беришни ўйлаб, анча тинчлана бошлади ва бўш вақтларингда хабар олиб тургин, деб илтимос килди. Буржуа мен билан фахрланарди. Ўзим учун хам, ўзи учун хам мени авайлаб-асрарди. Агар диссертациямни кўрсангиз Буржуага багишланганига гувоҳ бўласиз. Касалхонада ассисент-амалиётчи бўлиб юрганимнинг охириги йилларида бу мухтарам авериялик киши олдидаги ўз бурчимни адо этиш – унга от билан бўчка олиб бериш учун етарли маблаг хам йигилиб колган эди. Унга от ва бўчка олиб берганимни кўриб, бекор пул сарф килибсиз-да, деб мендан жуда ранжиди. Лекин, шунга карамасдан, барибир хурсанд бўлганлиги сезилди. Ахир бу кўнглидаги эзгу орзуси эди. Шунинг учун сўнги марта от билан бўчкага караб, хижолат килдингиз-да, овора бўлиб юрмасангиз бўларди. Аммо кандай ажойиб бўчка! От хам зўр! Худди овериянликлар² отига ўхшаб жуда бакувват экан, – деди кулимсираб оқаётган кўз ёшларини артиб. Унинг бошка ерда хеч қачон бундай таъсирли ахволда кўрмаган эдим. Буржуа каршилигимга карамай, хў ана хонамда сиз кўриб турган – кумуш ранглар билан зийнатланган жаррохлик асбоблари солинган ўша гилофни олиб берган, менинг учун эса бундан бошка бебахо совга йўк, у биринчи ютуқларимдан ниҳоятда қувонган эди, лекин, шунга карамасдан ундан бирор марта хам уни мен одам килдим кабилида сўз эшитмадим. Ахир, у бўлмаганда кашшокликда адойи тамом бўлар эдим-ку! Ха, бечора, у мени деб хаётини қурбон килди, кечалар

Машгулотим пайтларида зарур бўладиган қахва сотиб олиб берарди, кейин билсам ўзи факат нонга саримсокпиёз суртиб еб кун кўрар экан.

Кейин касал бўлиб ётиб колди, шунда тунлари ёнида бўлдим, уни даволаб хаётини саклаб кола олдим. Бирок орадан икки йил ўтиб, касал яна кайталанди ва шу вақтларда тиббиётда мавжуд бўлган барча имконият ва воситаларни қўллаб даволаш чораларини

кўришимга карамай вафот килди. Хатто бирорта киролга ҳам Буржуага эътибор кўрсатадигандай карамаган эдим.

Ха, Бьяншен! Унинг хаётини саклаб қолиш учун кўлимдан келган барча чораларни ишга солиб кўрдим. Ўзи килган саховатли яхшиликлар самарасини ўз кўзи билан кўриб қолишни истардим, ҳамма истакларини бажо келтиришни хоҳлардим. Хаётимда такрорланмас из қолдирган яхшиликлари учун унга нисбатан ханузгача юрагимда ёниб ётган оловни бир оз бўлса ҳам совутмоқчи бўлган эдим, юрагимдаги миннатдорлик хис-туйғуларимни охиригача адо этмоқчи бўлган эдим. Отамдек кадрдоним Буржуа кўлимда жон берди, – деди бир оз хаяжонланган холда тўхтаб Деппен. – Васиятномасига кўра барча мероси менда қолди, васиятномани расмийлаштирган идора Буржуа билан Роган кўчасидаги уйга кўчиб келган вақтимиздан эътиборан қайд қилибди. Буржуа хақиқий имон-эътиқодга эга бўлган инсон тимсоли эди.

У ибодатхонани худди ўз хонадонидай севар эди. Гарчи ўта такводор католикчи бўлса ҳам бирор марта дахрийлигимни юзимга солмади. Қасали зўрая бошлагандан кейин мендан: “Сиз ибодатхона учун кўлингиздан келган ёрдамнингизни аяманг”, – деб илтимос қилди. Сўнг хар қуни ибодатхонага бориб унинг соғлигини яхшилашни

худодан илтижо қилиб сўраб юрдим. У хаётимда етарли тоат-ибодат қилолмадим, шунинг учун вафотимдан кейин охиратдаги қисматимдан кўркаман, – дер эди. Бечора! Эртадан кечгача тинимсиз тер тўқарди. Агар жаннат борлиги рост бўлса, у ерга бориш учун ундан бошқа муносиб одам топилмаса керак.

Буржуа ибодатхонага охириги маротаба бегуноҳ бўлиб келди (ахир у хақиқатан ҳам гуноҳсиз эди). Вафоти ҳам хаётига муносиб тарзда яқун топди, тобути ёнида биргина одам борди, у ҳам бўлса ўзим эдим. Ягона валинеъматим бўлган Буржуани кўмиб қайтгач, қандай қилиб, қайси йўллар орқали менга қилган барча яхшиликларини қайтарсам экан, деб ўйлай бошладим. Оиласи, дўстлари, бола-чақаси йўқ, лекин динга эътиқодли, такводор бир инсон эди (буларни мен муҳокама қилишга ҳақлиманми ўзи?). Қунлардан бир кун секин (тагин қилган яхшиликларим учун устимга мажбурият юкляпти, деб ўйламасин деган маънода) мархумлар учун ибодатхонада қилинадиган амаллар хақида гапирган эди. Шунинг учун биринчи имконият бўлиши биланок Сульпиция ибодатхонасига бориб, хар йили тўрт маротаба руҳига тиловат туширишларини буюриб, ҳақларини бериб қайтаман. Хотираси олдида қиладиган ягона хизматим художўй Буржуа истакларини бажо келтириш эди. Ха, йилига тўрт маротаба: баҳорда, ёзда, қузда, қишда белгиланган вақтда ибодатхонага бориб, у ерда: “Эй худо, одамлар ўлгач сенинг масканингга борадиган такводор одамлар орасида Буржуани ҳам

мавжудлигини унутма, бечора дучор бўлган азобларидан қутилиши ва тезроқ жаннатга йўл олиши учун кўмагингни дариг тутма, барча кийнокларингни менга бергин”, – деб илтижо килардим.

Худо холис, У раҳмдил! Бордию худо менга Буржуа эътиқодидай бир эътиқод ато этгудай бўлса, бутун бойлигимни унинг йўлига сарфлаган бўлардим.

Бьяншен Деппеннинг охири касалини даволаб турар экан, энди машхур жаррох дахрий бўлган-бўлмаганини тасдиқлашни ўйламас эди. Ахир, пештокига зийнатланган харфлар билан “Ватан буюк одамларидан миннатдордир” каби шиор битилган буюк илм касри дарвозаси очилмай турган бир пайтда уни очиб, унга йўл кўрсатиб берган овериялик саховатпеша такводорлар рухига ибодат қилишнинг ўзиёқ қанчалар катта қувонч ҳисобланар эди.

Париж 1836 йил, январь

Рус тилидан

Шерали Турдиев таржимаси

(Шарк юлдузи, 2010, 2-сон)